БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 292 (4391)
23 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

⊙ Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи энергетика системалари, корхоналари ва қурилишларининг ишчилари, инженерлари, техниклари, хизматчиларини, саноат ёқилғи тармоқларининг барча энергетиклари, машинасозлари ва ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги шонли сана—Россияни электрлаштириш давлат планининг 60 йиллиги билан самимий табриклайди.

⊙ 22 декабрь куни Тошкентда ГОЭЛРО планининг 60 йиллигига ва энергетиклар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари республика электр станциялари ва электр тармоқларининг меҳнатчилари КПСС XXVI съездини меҳнатда муносиб ишлар билан кутиб олишга, партиянинг ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган режаларини шараф билан бажаришга азму қарор берганликларини билдирдилар.



Тошкент Политехника институти Ҳиндистонга юксак малакали мутахассисларни тайёрлашда беғараз ёрдам бераётган республикамизнинг олий ўқув юртларидан биридир. Ҳозирги вақтда Тошкентда дўст мамлакатнинг 50 га яқин вакили яшаб, билим олмоқда.

СУРАТДА: саноат-граждан қурилиши факультетида билим олаётган ҳиндистонлик студентлар Шарма Жатадиш ва Лалит Анбарзир шу кунларда «Главташкентстрой» 8-трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг Н. В. Клочков бошлиқ бригадасида ишлаб чиқариш практикасини ўтамоқдалар.

Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ).

Республика бўйлаб

ЖИЗЗАХ ТРИКОТАЖИ

Бу ердаги устки трикотаж фабрикасида — аёллар кўйлаги, куртка ва жакетлари, шунингдек моделли болалар кийимлари чиқарила бошланди. Қўриқ областдаги енгил саноатнинг тўнғич корхонаси коллективи беш йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Бу ерда ҳозир трикотаждан 28 моделдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ярми сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

Ангор районидаги Қорасув қишлоғида янги завод қурила бошланди. Корхона йилига 20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаради. Завод маҳсулоти республика жанубидаги қишлоқ қурилишларига етказиб берилади. Ўн биринчи беш йилликда Сурхондарё қишлоқларида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми икки баравар кўпайтирилади. Шу сабабли Сариосиё район марказида ҳам ғишт заводлари барпо этилади, Жарқўрғонда яна бир ғишт заводи лойиҳалаштирилмоқда.

УЗУННИНГ АТИРГУЛЛАРИ

Узун ўрмон хўжалиги район хўжаликларига дастлабки туркум атиргул кўчатларини етказиб берди. Гулчилик ўрмончилар экономикасида янги соҳа бўлиб, ўрмон имкониятларидан самарали фойдаланиш намунасидир. Ўрмон хўжалигида ярим гектар майдонга гул кўчатлари ўтқазилди ва уч гектар майдонда юқори навли гул кўчатлари участкаси ташкил этилди. Келгуси йилда 80 минг туп кўчат етиштириш мўлжалланмоқда: атиргуллар хиёбонлар ва паркларни, республика шаҳар ва қишлоқлари хиёбонларини ва паркларини, кўчалари ва йўлкаларининг ҳуснига-ҳусн қўшади. Узунликлар янги беш йиллик охирига бориб 200 минг туп гул кўчати етиштиришни мўлжалламоқдалар.

ЙИЛ БЎЙИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Орджоникидзе районидаги Орджоникидзе номли совхозда ишга туширилган янги теплица комплексида кўпгина жараёнлар механизациялаштирилган. Тўрт гектар майдондаги экинлар усти ойна билан қопланган. Бу ерда автоматлар микроиқлимни бошқариб туради. Теплица комплексида турли сабзавот экинлари билан бирга картошка ҳам етиштириш мўлжалланмоқда. Келгуси йилда комплекс майдони яна икки гектарга кенгайтирилади.

ЕРЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

«Сирдарёводстрой» трестининг қурувчилари Комсомол районидаги «Москва» совхозида ерларни комплекс ўзлаштиришни муддатидан илгари тамомладилар. Улар ярим минг гектардан ортиқ қўриқ ерни қишлоқ хўжалик оборотига топширдилар. Бунинг учун бу ерда эллик тўрт километр узунликдаги нов ариқлар, 47 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоғи ётқизилди. Айни вақтда қурувчилар деҳқонларга еттита типовой дала шийпонини фойдаланишга топширдилар.

(ЎзТАГ).

XXVI БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР ЯКУН

ҚУВОНЧЛИ ЗАФАР

Тошкент темир йўл бўлимига қарашли тепловоз депосининг ишчи ва хизматчилари коммунистлар анжуманини муносиб зафар билан кутиб олмоқдалар. Пўлат изларнинг чавандозлари яқинда ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди.

Темирйўлчилар ўтган вақт ичида 46 минг 85 та оғир юкли составларни бошқардилар. Нормадан ташқари 25 миллион 336 минг тонна халқ хўжалик юклари манзилларга етказиб берилди. Ички резервлардан оқилона фойдаланиш, белгиланган ҳаракат графигига қатъий амал қилиш, ишлаб чиқаришда илғор технология ва тажрибаларни тадбиқ этиш натижасида ана шундай катта ҳажмли иш бажарилди.

Темирйўлчилар беш йил давомида 5 минг 69 тонна ёқилғини тежаб қолдилар, 1200 дан зиёд ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этдилар. Буларнинг умумий йиллик иқтисодий самараси 553 минг сўмдан иборат.

Халқ хўжалик юкларини ташишда ва пассажирларни манзилларига етказиб қўйишда коммунист машинистлардан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Хабибулло Эшонмуҳамедов ва Александр Матвеев, слесарлардан Абдуҳай Хўжаев ва Юрий Ненашевлар намуна бўлмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнати натижасида коллектив ана шундай ютуқларга эришмоқда.

КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа иштирокчиси, комсомол аъзоси Сурайё Исломова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқувчи бўлиб ишлайди. У шу кунларда смена топшириқларини 105—110 процент адо этиб, маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишини таъминлаапти.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Сурайё Исломова.

И. Глауберзон фотоси.

Мароқли ва қизиқарли тадбир

Шу кунларда пойтахтимизнинг Ҳамза районида «Билим» жамияти сиёсий докладчилари, агитаторлари, сиёсий ахборотчилари, лекторлари учун ғоятда масъулиятли ва қизғин дамлар бошланди. Райондаги корхоналарнинг цехларида, қурилиш ташкилотларида, муассасаларда, ўқув юртларида, маҳалла комитетларида, ёшлар ётоқхоналарида, маданият саройи ва уйларида мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги лойиҳа материаллари қизғин муҳокама қилинмоқда.

Ҳамза район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими ҳамда «Билим» жамияти ташкилоти «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини кенг ва атрофлича пропаганда қилиш юзасидан тадбирларнинг катта режасини ишлаб чиқдилар. Ана шу мақсадда сиёсий ўқишлар, лекциялар ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига доир мутахассис олимлар билан учрашувлар олиб борилмоқда.

Тарихий ҳужжат эълон қилиниши биланоқ райондаги турар жойларда, меҳнат коллективларига 60 дан ортиқ лекторлар сафарбар қилинди. Улар асосан илмий-тадқиқот институтларининг таниқли олимлари, корхоналарнинг раҳбарлари, партия касаба союз ташкилотларининг, ўқув юртларининг раҳбарларидир. Дастлабки суҳбатларни олиб боришда Республика Фанлар академияси шарқшунослик институти, Ўзбек Совет энциклопедияси бош редакцияси, Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Тошкент медицина институтининг мутахассислари қатнашмоқдалар.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУЮРТМА АСОСИДА

БУГУН

Тошкент асбобсозлик заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўндан ортиқ хили чет эллик буюртмачилар адресига жўнатилди. Ҳар хил фрезлар, станокларнинг маълум деталларини завод жаҳоннинг етмиш бешдан ортиқ мамлакатига чиқаради.

Навбатдаги экспорт маҳсулотларини завод коллективи Германия Демократик Республикаси ҳамда Болгария Халқ Республикаси фабрика ва корхоналарининг буюртмаси асосида ишлаб чиқарди.

⊙ ЛОЙИҲА УСТАХОНАСИДА

Тўполон сув омбори қурилади

БУГУН

«Узгипроводхоз» институтининг архитектор Ткаченко бошчилигидаги лойиҳачилар группаси республикамизнинг жанубий Сурхондарё областидаги Тўполондарё қирғоқларига жўнаб кетди.

Ҳисор тизма тоғлари бағридан оқадиган бу дарё ўрнида яқин келажакда катта сув омбори қурилади. Группа аллақачон муваффақият билан тугатилган сув омбори лойиҳасига баъзи аниқликлар киритиш учун дарё бўйида қузатиш ишлари олиб боради, тоғ ва қояларнинг қатламини ўрганади. Айни пайтда сув омбори лойиҳаси асосида бу ерда дастлабки қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Подшипниклар ремонти заводининг саралаш цехида коммунист Муяссар Тўйчиеванинг номини алоҳида ҳурмат-эътибор билан тилга олишади. Мана, олти йилдан бери у квартал ва ойлик планларини 120—125 процент бажариб келмоқда. Унинг кўксини коммунистик меҳнат зарбдори нишони безаб турибди. У ўтган ўн бир ойлик планини 9 ойда бажариб, ҳозирги пайтда қўшимча мажбурият ҳисобига меҳнат қилмоқда.

— Пойтахтимизнинг барча коммунистлари сингари, — дейди М. Тўйчиева, — мен ҳам партия анжуманларини ўз меҳнат туҳфаларим билан, ёруғ юз билан қарши олмоқчиман. Партия Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳасига жавобан мен ўн биринчи беш йиллик планини 1984 йилнинг биринчи кварталида бажаришга сўз бераман.

БУГУН

Коммунист М. Тўйчиева 1980 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қила бошлади. Цех ишчилари орасида пешқадамлик қилаётган бу чевар саралован, шунингдек, социалистик мусобақа илғори ҳамдир.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Муддатидан илгари

БУГУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 2-уйсозлик комбинатига қарашли 27-бошқарманинг И. Андреев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси шаҳримизнинг Аҳмад Дониш кўчасида янги тўққиз қаватли 90 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси конструкцияларини муддатидан ўн кун олдин монтаж қилиб бўлди.

Бригада коллективи айни кунларда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Қурувчилар КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ушбу бригада янги йил байрами кунигача пландан ташқари икки минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга сўз берган.

М. ФЕЛЬДМАН

ЛЕНИНЧИ-БОЛЬШЕВИКЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

Яқинда республика «Билимлар уйи» лекториясида «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси арбоблари» номли янги туркум лекциялар программаси тузиб чиқилди. Ана шу туркум асосида ўтадиган лекцияларда Коммунистик партиянинг буюк вакиллари, уларнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда граждалар уруши давридаги фаолияти, ҳаёти ҳақида муфассал ҳикоя қилинади.

КЕЧА

Бу ерда мазкур туркумдаги лекциялар бўйича дастлабки машғулот ўтказилди. «Ленинчи — большевиклар» мавзуида ўтказилган ушбу машғулот партиянинг йирик арбоби Я. М. Свердловнинг революцион фаолиятига бағишланди. Лекцияни «Билим» жамиятининг лектори А. Анисимкин ўқиди. Студентлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари суҳбатни зўр қизиқиш билан тингладилар.

Машғулот сўнгида йиғилганлар учун «Инқилоб поезди» кинофильми намойиш қилинди.

ҲУҚУҚ МАВЗУИДА

Республика билимлар уйида

БУГУН

«Инсон ва қонун» лекциялар туркумидан навбатдаги «Сен ҳуқуқ ҳақида нимани биласан!» мавзусида машғулот ўтказилди. Ана шу мавзуга бағишланган лекцияни юридик фанлари кандидати К. Эркахўжаев ўқиди.

Нотиқ совет Конституциясининг афзалликлари, социалистик жамият кишиси ҳуқуқининг капиталистик жамият кишиси ҳуқуқларидан фарқи ва моҳияти ҳамда совет гражданининг инсоний фазилатлари ҳақида батафсил гапириб ўтди.

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Тошкент шаҳрининг Кармелюк кўчасидаги 56 квартирали иккита янги турар жой биносига меҳнаткашлар кўчиб кирди. Тўқимачиларнинг 112 оиласи кенг шинам квартира олди. Бу йил тўқимачилик комбинати ходимларининг 385 оиласи уй тўйлари ўтказишди. Бундан ташқари ёшларнинг 630 ўринли иккита ётоқхонаси фойдаланишга топширилди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЁЗУВЧИ АСҚАД МУХТОР (А. МУХТОРОВ)НИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Асқад Мухтор (Асқад Мухторов) Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил, 22 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ АСҚАД МУХТОР (АСҚАД МУХТОРОВ)ГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Асқад Мухтор (Асқад Мухторов)га Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1980 йил 16 декабрь.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

БУГУН

Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси Янги йил байрами яқинлашиб келаётгани муносабати билан мазкур байрам учун янги ширинликларнинг турли хилини ишлаб чиқара бошлади. «Янги Йил», «Қор учқуни», «Арча» сингари бир қанча шоколад ва карамель конфетлар, мармеладлар шу кунларда республикамиз областларига кўплаб жўнатилмоқда.

Фабрика шу ҳафта ичида республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Хоразм области ҳамда Қорақалпоғистон автоном республикасига 50 тоннадан ортиқ ширинликлар жўнатди.

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг Тракторсозлар массивида янги турар-жой микрорайонлари, муҳташам уй-жой комплекслари қад кўтарди. Меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида қурилган бу биноларда меҳнаткашларнинг яшаши учун қулай шарт-шароитлар мужассамланган.

СУРАТДА: Тракторсозлар массивидаги янги уй-жойлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Биринчи семинар

Н. К. Крупская номидаги пионерлар саройида «Юлдузлар сўнмайди» қизил изқуварлар клуби қатнашчиларининг биринчи семинари бўлди. Унда Ленин район мактабларидаги мазкур клубнинг филиалларида иш юритаётган пионерлар, отряд советларининг раислари ҳамда Улуғ Ватан уруши ветеранлари иштирок этишди.

Улуғ Ватан урушининг оғир жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар биографиясини тиклаш, уларнинг жанговар йўли ҳақидаги материалларни тўплаш, оилалари билан қизиқиш «Юлдузлар сўнмайди» клубининг асосий вазифасидир. Семинарда сўзга чиққанлар ана шу ҳақда батафсил гапирдилар. Семинар сўнгида, бу ерга ташриф буюрганлар Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган ҳамшаҳарларимизнинг ҳаётига доир фотосуратлар, ҳужжатлар, мактаб ҳамда уруш даври альбомларидан тузилган кўргазмани томоша қилишди.

АНСАМБЛНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САҲНАСИ

БУГУН

Киров районининг Абдулла Қодирий номидаги маданият уйи қошида ташкил этилган «Феруза» миллий ашула ва рақс ансамбли янги йил базмларида бериладиган концерт программасини тайёрлашга киришди.

Ансамбль завод ва корхоналар, мактаблар, билим юртлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Санъат коллективининг корхоналарда ранг-баранг программалар билан чиқиши ишчилар, меҳнат ветеранларининг олқишига сазовор бўлмоқда.

Янги йил тантаналарида қатнашиш учун ансамбль жойлардан бир қанча таклифномалар олган. 1-Автомобиль корхонаси, 1-ғишт заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, шунингдек, 127-ҳунар-техника билим юрти коллективлари шулар жумласидандир. Ансамбль ана шу коллективларни ўзларининг янги куй ва қўшиқлари билан хушнуд этиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

⊙ ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

УГАНДА САЙЛОВДАН КЕЙИН

Угандада сиёсий тартибсизликлар узоқ вақт давом этганидан кейин парламент сайлови ўтказилди. Бу сайловда Уганда халқ конгресси партияси катта ғалаба қозонди, бу партиянинг раҳбари Милтон Оботе эса Шарқий Африкадаги ана шу республиканинг президенти бўлиб қолди.

55 ёшдаги М. Оботе Африканинг сиёсий ҳаётида кўпдан буён қатнашиб келмоқда. 1962 йилда Уганда инглиз мустамлакачиларидан қутулиб, мустақилликка эришди. Ўша йилдан бошлаб М. Оботе тўрт йил мобайнида бош министр лавозимини эгаллади, 1967 —1971 йилларда эса бу мамлакатнинг президенти бўлди.

Аммо Иди Амин ҳарбий тўнтариш қилганлиги натижасида президент Оботе мансабидан маҳрум бўлиб, Танзанияга кўчиб кетди. Яқинда «Уганда таймс» газетасида эълон қилинган материаллар Англия, АҚШ ва Исроилнинг разведка хизмати Аминни қўллаб-қувватлаганлигини яққол тасдиқлайди. М. Оботени янги мустамлакачилар «жуда ҳам сўл» киши деб билдилар у исёндан олдин эълон қилган Уганда тараққиёти программаси — «оддий кишининг хартияси» эса баъзи кишиларда Угандa нокапиталистик тараққиёт йўлини танлаб олиши мумкин, деган фикрни туғдирди.

Аммо Аминнинг ўн йил давом этган диктатураси М. Оботенинг вазифасидан четлаштирилганлигини табриклаган кишиларга ҳеч нарса бахш этмади. Экономикадаги бош-бошдоқлик, ўз гумашталарини мамлакатнинг ҳамма қисмида жойлаштириш, И. Амин жорий этган диктаторларча бошқариш методлари — буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, бир замонлар «Африка дурдонаси» деб ном чиқарган Уганда хўжалиги эндиликда тушкунликка юз ўгирди. Мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш 80 процент қисқарганлигини айтиб ўтиш кифоя қилади. Экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар — кофе, пахта, чой барги етиштириш уч-тўрт баравар камайди. Магазинлар бўшаб қолди, чайқов бозорида эса маҳсулотлар қўшни мамлакатлардагига нисбатан 12 — 15 баравар қимматга сотилмоқда. АП агентлигининг мухбири «қасос олиш учун одамларни гумдон қилиш, қурол кучи билан талончилик қилиш, отишмалар ва давлат арбобларини ўлдириш — буларнинг ҳаммаси Угандада ўн йил мобайнида давом этди» деб таъкидлади.

Шу боисдан мамлакатда қўшни Танзаниядаги дўст армиянинг ёрдами билан диктатор Аминни ҳокимиятдан тушириб, мамлакатни нормал ҳаёт изига кўчириш учун шарт-шароит вужудга келтирган кучлар топилганига ажабламаса ҳам бўлади. М. Оботе республика президенти лавозимига ўтиши муносабати билан сўзлаган нутқида Уганда демократик ривожланиш, қонунчиликни ва аҳолининг граждан ҳуқуқларини тиклаш йўлига яна зўр қатъият билан ўтиб олмоқда, деди. Президент миллий тикланиш проблемалари, шу жумладан экономикани юксалтириш бутун халқнинг аҳллик билан фидокорона ишлашини талаб этади, деб таъкидлади. Миллий бирликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, шунингдек кенг халқ оммасининг янги Уганда ҳукуматининг тадбирларини қўллаб-қувватлаши — бу вазифаларни самарали ҳал этишнинг асосий омилларидир.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳловчиси.

XXVI ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ— ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

«Аҳоли учун зарур бўлган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш барча саноат тармоқларининг, ҳамма корхоналар ва ташкилотларнинг энг муҳим вазифаси деб, барча партия, совет ва хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим бўлган иш деб ҳисоблансин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасидан).

ИЛҒОР УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИБ

Бу катта даргоҳнинг тўрт қаватли кенг, ёруғ цехларида лобар қизлар, қўли гул, меҳнатсевар йигитларни учратдик. Юз-кўзлари табассумли, ўз касбкорларига меҳр-муҳаббат қўйган бу фидокор кишилар аҳолига арзон, сифатли пойафзаллар етказиб бериш йўлида бутун куч-ғайратларини сафарбар қилмоқдалар.

Пойафзал фабрикасида 7 та асосий, бир неча ёрдамчи цехлар мавжуд. Пойафзалчилар сифат ва самарадорлик учун курашиб, барча юмушларни бригада пудрати асосида бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Цехларда социалистик мусобақанинг намунали йўлга қўйилиши натижасида фабрика бўйича ҳар ой сайин 100 минг жуфт эркаклар, 80—100 минг жуфт аёллар пойафзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

...Корхона цехларида ғоят кўтаринки руҳ ҳукмрон. Тўқув станоклари бир меъёрда тиним билмай ҳаракат қилмоқда. Биринчи қаватдаги бичиш, қирқув цехларининг 150 нафардан зиёд ишчилари чаққон ҳаракат қилиб, пойафзалларнинг устки қисмларини тайёрлаб, қўшни цехларга «узатиб» бермоқдалар. Бу цех ишчилари йил бошида 2 миллион 800 минг жуфт пойафзал бош қисмини тайёрлаб беришга аҳд қилган эдилар. Улар партиямиз съезди шарафига мусобақани янада авж олдириб ишлаш, резервларни ишга солиш эвазига планга қўшимча равишда яна 200 минг жуфт маҳсулот беришга сўз бердилар.

Шу кунларда цехдаги 18 бригада аъзолари кунлик ва ойлик топшириқларини шараф билан адо этишаяпти. КПСС аъзоси Виктория Азетова бошлиқ коллектив цехнинг илғор бригадаси ҳисобланади. Мусобақа ташаббускори бўлган бу бригада ишчилари кунига 500 ўрнига 600—650 жуфт пойафзалнинг устки қисмларини тайёрлаб бермоқдалар. Шу бригаданинг Султон Содиқов, Аҳмаджон Мусаев, Маҳбуба Абдуллаева каби пойафзалчилари ойлик топшириқларини 130—140 процентдан бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Шу цехнинг Абдурашид Салоҳиддинов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳам пресслаш, тикиш станокларини моҳирлик билан бошқарган ҳолда юқори меҳнат унумдорлигига эришишяпти. Ўрта ҳунар-техника билим юртини битирган Абдурашид ўзининг баракали меҳнати, уддабуронлиги билан цехда ҳурмат қозонди. Ҳозирги кунда у бригаданинг 6 нафар ишчисига устозлик қилмоқда. Комсомол аъзоси етакчилигидаги бригада аъзолари ўн бир ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар.

САНОАТ

Биз цех бошлиғи, тажрибали пойафзалчи Фозил Ғуломов билан суҳбатлашдик. Унинг олий ўқув даргоҳини битириб, бу ерга ишга келганига 10 йилдан ошибди. Ёш, ғайратли мутахассис фабрикада ўз билимини оширди. Шонли КПСС сафига ўтди. Оилали бўлди.

—Цехимиз ишчилари беш йилликнинг якунловчи йилида зарбдорчасига ишлаб, аҳолига фақат аъло сифатли пойафзаллар армуғон этиш учун курашмоқдалар. Ишчиларимизнинг самарали меҳнати туфайли 11 ойлик топшириқ муваффақиятли уддаланди. Ўтган давр мобайнида 860 квадрат дициметр хром тежалди. Биз жаъми 130 минг сўмликдан зиёд маҳсулот иқтисод қилишга эришдик,—дейди фахр билан Фозил Ғуломов.

Корхонадаги машъал коллективлар ҳақида гап кетганда, «Коммунистик меҳнат цехи» номини олган 3-цех ишчилари номини тилга олишади. Бу цехга тажрибали пойафзалчи Захар Григорьевич Кантанюк бошчилик қилади. Ажойиб коммунист З. Кантанюк цехда меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида кўп меҳнат қилаяпти. У айниқса, цехда бригада пудрати усулида ишлашни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Замонавий асбоб-ускуналар билан яхши жиҳозланган бу цехда 16 та поток линия мунтазам ишлаб турибди. Цех ишчилари республикада биринчилар қаторида бригада пудрати асосида ишлаш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. 4 бригада айни вақтда ана шу усулда ишламоқда.

Эски поток линияларини ва тикув станокларини реконструкция қилиш, қўл меҳнатини камайтириш цехда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда. Масалан, илгарилари 40 нафар ишчи кунига 300 —400 жуфт маҳсулот чиқарган бўлса, бригада пудрати усулида ишлашга ўтилгач, 12 ишчи кучи қисқарган ҳолда кунига 600—650 жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу борада, айниқса, цехнинг П. Томанлико, Р. Саломина, Д. Жўраева, В. Дорохова, Р. Чунбоева каби меҳнат ветеранлари қувончли меҳнат натижаларига эришмоқдалар.

Айни вақтда дастлаб шу цехда жорий этилган илғор усул корхонанинг барча цехларига ёйилмоқда. Фабрика маъмурияти ва партия ташкилоти бригада пудратининг афзалликларини барча цехларда жорий этиш, цехларни янги техника билан жиҳозлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

— Кейинги йилларда фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида талай ишлар қилдик, —дейди 2-пойафзал фабрикасининг директори Маҳмуд Маърупов.— Лекин ютуқлар билан бирга нуқсонларимиз ҳам бор. Баъзи буюмларимиз сифати ҳали харидорларнинг юқори талаблари даражасида эмас. Республикамизнинг турли корхоналаридан юборилаётган хом ашё маҳсулотларнинг баъзан кўнгилдагидай бўлмаётганлиги сифат борасидаги курашимизда халақит бераяпти.

КПСС XXVI съездига меҳнат совғалари тайёрлаш ҳаракатида актив қатнашаётган пойафзалчилардан мингдан ортиғи анча вақтдан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти. Бир киши ўн йиллик программани бажарди. Фабрика ўн бир ойлик планга қўшимча социалистик мажбурият ҳисобига 186 минг сўмлик моделли пойафзал реализация қилди. Ўтган йилга нисбатан реализация қилинган маҳсулот ҳажми 900 минг сўмликка, ялпи маҳсулот 847 минг сўмликка ортди.

Давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар ҳам кўпайди. Агар 1976 йил билан солиштирсак, бундай буюмлар миқдори 28,8 процентга ўсди ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида қарийб учдан бир қисмни ташкил этяпти.

Октябрь ойи охирида коллектив ўнинчи беш йилликка якун ясади. Йил охиригача 3201 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз берди.

Коллективнинг яна бир мажбурияти бор. КПСС XXVI съезди очиладиган кунда фабрика тежалган материаллар ва хом ашё билан ишлайди. Шу куни 8 минг жуфт пойафзал тайёрланади.

Х. ШАРИПОВ.
Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССРнинг ёрдами билан

ПРАГА. Чехословакиянинг бир қанча корхоналарида СССРнинг техникавий ёрдами билан технология жараёнларини бошқаришнинг автомат системалари жорий қилинмоқда. Бу чора ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш имконини беради.

Тршинец шаҳридаги металлургия комбинати янги системалар билан таъминлана бошлади. Мнишекдаги «Ковогут» корхонасида, Хомутов металлургия комбинатида ва бошқа корхоналарда технология жараёнларини бошқаришнинг автомат системаларини жорий қилиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Олтинчи беш йилликда СССР билан Чехословакия ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳажми анча ортди ва қарийб 700 миллион сўмни ташкил этади. Бу — аввалги икки беш йилликдагига нисбатан тўрт баравар ортиқдир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН

БЕЛГРАД. Югославия заводлари 1981 йилда 25 от кучидан тортиб 200 от кучигача қувватга эга бўлган 66 минг трактор ишлаб чиқарадилар. Бу—шу йилдагига нисбатан 14 процент кўпдир. 8 мингга яқин трактор чет эллардан сотиб олинади. Бунда гап мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган машиналар тўғрисида боряпти. Айни вақтда Югославия тракторларини чет элларга кўпроқ экспорт қилиш кўзда тутилади.

ОБЪЕКТИВДА МЕКСИКА. Мексикаликлар байрам кунлари пойтахт кўчаларида.
БТА—ТАСС фотоси.

ШОНЛИ ЙИЛЛИК ШАРАФИГА

УЛАН-БАТОР. Келгуси йилда Монголия Халқ Революцион партияси тузилган куннинг 60 йиллиги ва халқ революциясининг 60 йиллиги нишонланади. МХР қишлоқ меҳнаткашлари ана шу байрам кунлари шарафига оширилган мажбуриятларни олмоқдалар.

Селенги аймоғидаги «Иро» давлат хўжалиги ва Дзабхан аймоғидаги «Оргил» қишлоқ хўжалик бирлашмаси коллективлари шонли юбилейларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта муваффақиятлар билан кутиб олиш ташаббуси билан чиқадилар. Масалан, «Оргил» бирлашмасининг ходимлари пландан ташқари 30 минг бош чорва мол етиштириш мажбуриятини олдилар. Монголия қишлоқларининг барча меҳнаткашлари илғор коллективларнинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

МАДРИДДАГИ УЧРАШУВДА

МАДРИД. Мадриддаги учрашувнинг ялпи мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакиллари анжумани иккинчи босқичининг дастлабки беш ҳафтасидаги иш тартиби бир овоздан тасдиқланди. Швейцария делегацияси иш тартиби тўғрисида таклиф киритган эди.

Маълумки, Мадрид учрашувини ўтказиш календарига мувофиқ бу учрашув икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич шу йил 19 декабрда тамом бўлади ва шундан кейин бир ойдан кўпроқ танаффусга чиқилади. 1981 йил 27 январда иккинчи босқич бошланиб, 5 мартгача давом этади.

Учрашувда тасдиқланган таклиф иккинчи босқичнинг 1981 йил 27 январдан 27 февралгача давом этадиган дастлабки беш ҳафтаси учун Мадрид учрашувининг иш тартибини кўзда тутади. Мадрид учрашувининг қатнашчилари дастлабки икки ярим ҳафта мобайнида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар делегациялари якунловчи актнинг турли қоидалари юзасидан киритган таклифларини кўриб чиқишлари лозим, деган шарт қўйилган. Бу таклифлар Хельсинкидаги аҳдномаларни тўлдириш ва кенгайтириши лозим. Улар кейинги икки ярим ҳафта мобайнида Мадрид учрашувининг якунловчи ҳужжати устида иш олиб борадилар.

Чуқур тушкунлик

ЛОНДОН. Бу ерда Англия экономикасининг аҳволига доир навбатдаги маълумотлар эълон қилинди. Бу маълумотларни Британия саноати конфедерацияси — Буюк Британиядаги етакчи компаниялар ва фирмаларни бирлаштирувчи ташкилот тайёрлаган. Бу ҳужжатдан маълум бўлишича, мамлакатнинг экономикаси аввалдагидек ҳозирда ҳам чуқур тушкунлик ҳолатидадир. Бу маълумотлар мамлакатдаги 2 минг энг йирик компаниянинг шу йил ноябрь—декабрь ойларидаги аҳволини ўрганиш асосида тузиб чиқилган.

Тадқиқот муаллифлари таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги вақтда компанияларнинг 77 проценти белгиланган нормадан анча кам миқдорда иш билан таъминланган, саноат фирмаларининг 45 процентида эса яқин тўрт ой ичида ишлаб чиқаришнинг янада пасайиб кетилиши кутилади.

Шу муносабат билан «Морнинг стар» газетаси Британия саноати конфедерациясининг берган маълумотлари М. Тэтчер бошчилигидаги консерваторлар ҳукуматининг ҳалокатли иқтисодий сиёсатини фош қилиб ташлайди, деб уқтириб ўтади. Ҳукуматнинг сиёсати мамлакатдаги завод ва фабрикаларда ишлаб чиқаришни қисқартиришга, меҳнаткашларни кўплаб ишдан бўшатишга олиб боради.

Консерваторларнинг «Дейли телеграф» газетаси ҳам «автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш саноатида тартибсизлик ҳукм сурмоқда» деб қайд этишга мажбур бўлди. Ҳозирги вақтда Англия ҳукмрон партиясининг ашаддий тарафдорлари, шу жумладан кабинет министрлари ҳам консерваторларнинг иқтисодий йўлини танқид қилмоқдалар.

Пекин билан тил бириктирмоқдалар

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтон ҳарбий соҳада ва жосуслик соҳасида ҳам Пекин билан бевосита тил бириктириш йўлига ўтиб олди. «Нью-Йорк таймс» газетаси шу ҳақда хабар қилиб, «АҚШ билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг тез яхшиланиши туфайли кейинги икки йил ичида хавфсизлик соҳасида, жумладан, ҳарбий масалаларда ва разведка соҳасида ҳамкорлик қилишда норасмий шерикчилик вужудга келишига ўхшаш мустаҳкам дўстлик туғилди», деб таъкидлайди.

1973 йилда Пентагоннинг «ақл-идрок трести» бўлмиш «Рэнд корпорейшн» компаниясининг ходими бўлган, ҳозир эса АҚШ янги президентининг давлат департаментидан ишларни қабул қилиб олиш группаси аъзоси М. Пиллсбери ўша йилда қилган докладидаёқ Хитой билан ҳарбий алоқалар ўрнатишни таклиф қилганлигини газета эслатиб ўтади. Кейинчалик 1979 йилда мудофаа министрлигининг докладида аввало Совет Иттифоқига қарши стратегик ҳамда географик-сиёсий манфаатларнинг «мувофиқ келиши» асосида Қўшма Штатлар «ҳарбий жиҳатдан Хитойни мустаҳкамлаши лозим» деган хулоса чиқарилди. «Хитойга энг янги техникани етказиб бериш ва разведка маълумотларини топшириш, қурол-яроғларнинг энг янги турларини сотиш ва биргаликда ҳарбий машқлар ўтказиш — шу йўлда эҳтимол тутилган тадбирлар тариқасида тилга олинган эди»,—деб ёзади газета.

Картер ҳукуматидаги мансабдор шахслар мана шу масалалардан баъзилари кейинги йилларда хитойлар билан махфий тарзда муҳокама қилинганлигини айтдилар, деб уқтиради «Нью-Йорк таймс» газетаси. Ўша шахсларнинг гапига қараганда, бултур иккала ҳукумат «разведка соҳасида биргаликдаги лойиҳа»ни амалга ошириш тўғрисида келишиб олдилар. Газетанинг ёзишича, Картер маъмурияти Хитойга ҳарбий техника сотиш тақиқланганлигини бекор қилиши разведка соҳасидаги махфий музокаралар билан бирга қўшилиб, «биз хитойлар билан кескинликни юмшатишдан блок тузиш йўлига ўтишга тайёр эканлигимизни кўрсатувчи сигнал бўлди», деди АҚШ ҳукуматининг юқори мансабдор ходимларидан бири.

Америка — Хитой ҳарбий «ҳамкорлиги»нинг бир қанча жиҳатлари ҳозирча сир тутилаётган бўлишига қарамай, матбуотда пайдо бўлиб қолган фактлар Вашингтон билан Пекин ўртасидаги яқинлашувнинг миқёсидан яққол далолат беради. Чунончи «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, кейинги вақтларда Хитой вакиллари Америкадаги ҳарбий саноат комплексининг 40 та компанияси билан музокара бошлаганлар. Аввало Пекин «С—130» типидаги ҳарбий транспорт самолётларини, ҳарбий юк машиналарини, «жиплар»ни, вертолётларни, осмон ҳужумидан мудофаа радиолокация системаларини, шунингдек тактик авиация самолётлари учун контрол ва бошқарув системаларини харид қилишга қизиқиб қаради.

Газетанинг ёзишича, хитойларга ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун энг янги компьютерлар ва бошқа мураккаб техника сотиб олишга ҳам рухсат берилган.

Маъмуриятдаги мансабдор шахслар Хитойга ҳарбий техника сотиш тўғрисидаги қарор Москвага қарши «Хитойча карта» деб аталган найрангбозлик қилиш йўлидаги уриниш эканини тан олмоқдалар, деб уқтиради «Нью-Йорк таймс» газетаси.

• Депутат минбари

Ғамхўрликка жавобан

Фабрикамизнинг ҳар бир цехи коллективи бутун бир фабрика коллективи меҳнатига тенг келадиган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқариш кўз ўнгимизда ривожланяпти, маҳсулот хиллари янгиланяпти, меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Бунинг учун ўнинчи беш йилликда эришган ютуқларимизни мисол келтиришимизнинг ўзи кифоядир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш 136 процентга етди. Беш йилликка мўлжалланган план топшириқлари Улуғ Октябрнинг 63 йиллигида бажарилди. Беш йиллик мобайнида планга қўшимча равишда уч миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди...

Фабрикамизда умумий ишчиларнинг 90 процентдан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг меҳнат қилишлари, дам олишлари, фарзандларини яхши тарбиялашлари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилгандир. Фабрикада 400 ўринли шинам клуб хотин-қизлар хизматида. Замонавий чойхона, ошхона, ярим тайёр маҳсулотлар фабрикаси, парҳез таомлар ошхонаси ишлаб турибди. Ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш учун алоҳида маиший хизмат уйи биркитиб қўйилган. Тозаланадиган кийимлар «Химчистка»га топширилади, ательеда буюртма билан янги либос тикилади, фотоателье ҳамда пойафзал устахонаси ишлаб турибди...

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида меҳнаткаш совет хотин-қизлари учун янада катта имтиёзлар ва имкониятлар яратиб берилган. Асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама этаётган фабрикамиз аёллари ундаги **«Ишловчи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари янада яхшиланиши таъминлансин. Ишловчи аёллар учун мамлакат районларига қараб 1981 йилдан бошлаб бола бир ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилишга қисман пул тўланадиган отпуска жорий этилсин.**

Гўдаклари бўлган аёлларга тўлиқ бўлмаган иш кунида ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида, узлуксиз графикка мувофиқ, шунингдек уйда ишлаш имконияти яратилсин, рўзғордаги меҳнатни енгиллаштиришга доир самарали чоралар кўрилсин, ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган профилакторийлар сони анча кўпайтирилсин» деган жумлаларни қайта-қайта ўқир эканлар, партиямизнинг меҳнаткаш хотин-қизларга кўрсатаётган катта ғамхўрликлари учун миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

— Партиямизнинг бундай ғамхўрлигига самарали меҳнатимиз билан жавоб берамиз, дейишмоқда, улар.

2700 кишилик коллективимиз ўртасида сўзи билан иши бир бўлган, меҳнатда обрў топган аёллар кўплаб топилади. Масалан, шаҳар Совети депутатлари — тайёрловчи Мухтабар Каримова, тикувчи Гулчеҳра Шарипова, Октябрь район Совети депутатлари — каштачи Наима Фозилова, Ҳолида Расулова ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари шулар жумласидандир.

Фабрикамиз меҳнат аҳли ишлаб чиқараётган бадиий буюмлар умумий ҳажмининг 17 процентга яқини давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Бу рақам ўн биринчи беш йилликда янада орта боради.

Ҳозир коллективимиз ўнинчи беш йилликка зарбдор якун ясаш билан бирга, ўн биринчи беш йилликка пухта замин ҳозирламоқда.

С. МАҚСУДОВА,
бадиий буюмлар фабрикасининг каштачиси, Тошкент шаҳар Советининг депутати.

159-қурилиш трестининг 53-қурилиш бошқармаси илғор қурувчилари (ўнгдан-чапга) М. Жалилов ва Қ. Орифжонов «Асосий йўналишлар» лойиҳасидаги ўн биринчи беш йиллик учун белгиланган бунёдкорлик ишлари режаларини маъқуллаб кутиб олдилар. Бу қурувчилар ҳозир КПСС XXVI съезди шарафига ғайрат билан меҳнат қилиб, «Средазугольобъект»нинг маъмурий биноси қурилишида зўр ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Ўнгдаги суратда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тикув цехининг пешқадам ишчиси Алла Чеманни кўриб турибсиз.

Р. Альбеков ва Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

Уй-жой фонди, жамоат биноларини намунали асрайлик!

МАССИВДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Собир Раҳимов районидаги 50-уй-жой бошқармаси ихтиёрида 2400 га яқин хонадон бўлиб, бунда 8500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бошқармада турар жой биноларини қишга тайёрлаш ишлари ўтган йилги камчиликларни тўла ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Ҳозиргача 5 минг квадрат метр том усти ва 114 та уйларнинг эшиклари ремонтдан чиқарилди. Уй-жойларни жорий ремонт қилиш бўйича учинчи кварталда 28 минг сўмлик иш бажарилди. Мавжуд 42 та уйнинг иситиш тармоқлари ва 15 та уйнинг подвалидаги электр жиҳозлари профилактик кўрикдан ўтказилди.

Бошқармада Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, инвалидларга меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Уларнинг талаби билан қўшимча иситгичлар ўрнатиб берилди. Бу ишларни амалга оширишда сантехниклардан Н. Титов, Ю. Полукаров, техниклардан Т. Каримова, М. Мансуровалар намунали хизмат қилишди. Бошқармага қарашли тўрт та массивнинг иккитаси «Намунали массив» номини олишга муваффақ бўлган. Булар Ўрол Тансиқбоев ва «Чимбой» массивларидир.

Лекин шуни айтиш керакки, ана шу массивдаги ва бошқа массивдаги уйларнинг ҳаммаси ҳам намунали деб бўлмайди. Қурувчилар айби билан фойдаланишга топширилган янги турар жой биноларида жуда кўп камчиликлар мавжуд. Биз массив бўйлаб айланганимизда қуйидаги воқеаларга дуч келдик.

13-уйнинг 35-квартирасидамиз.

—1978 йилнинг бошида кўчиб келганмиз.— дейди уй бекаси, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Мавжуда Ғафурова.— Ўшанда уйимизнинг на ойналари, на эшиклари бутун эди. Унитаз бачоги умуман ўрнатилмаганди. Буларнинг ҳаммасини ўзимизнинг ҳисобимиздан тўғрилашга мажбур бўлдик.

—Нега шунақа, —деб сўрадик ЖЭК бошлиғи О. Солиевдан.

—Тўғри. Бу бачокни қурувчилар қуриб беришлари керак эди. Бизда эса бачок йўқ. Шунинг учун ёрдам бера олмадик.

12-уйнинг 23-квартирасида яшовчи Ҳикоят Пиримқулова «Учқун» бирлашмасида тўқувчи бўлиб ишлайди. Бу хонадагилар деразаларига қуёш қайтаргич ўрнатилмаганлигидан хафадирлар. Шуни айтиш керакки, 12-уйнинг йигирмага яқин деразасига қуёш қайтаргич ўрнатилмаган. 16-уйда эса мутлақо йўқ.

Массив бўйлаб айланганимизда қурувчилар томонидан қолдириб кетилган уюм-уюм чиқиндиларга дуч келдик. Массивдаги уйлар ва бошқа объектларни «Жилстрой» трести қурувчилари бунёд этишган. Уларнинг айби билан 234-мактаб ва 299-болалар боғчаси атрофида бир қанча бетонлар уюлиб ётибди. 5-уйнинг ёнида ҳам катта харсанг тошга дуч келдик.

— Кўчиб келганимиздан бери неча маротаба ЖЭКка мурожаат қилдик. ЖЭКдагилар бу чиқиндиларни йўқотиш учун трактор, кран кераклигини баҳона қилишади, —дейди 1-квартирада яшовчи И. Зазнаев.— Бир неча маротаба кўчат ўтқазишга ҳаракат қилдик. Лекин бу ҳаракатларимизнинг барчаси зое кетди.

Куз фасли анча иссиқ келди. Шунинг учун ҳам массивдаги уйларнинг кўпчилигидан шикоятлар бўлмаётир. Лекин шунга қарамасдан ўн битта уйнинг —54, 56, 58, 60, 48, 46, 52, 38, 40, 42, 44-квартиралардаги иситгичлар кечқурунги совуқроқ маҳалда яхши иситилмаётганлиги маълум бўлди. Бу уйлардаги камчиликлар 10 декабргача тугалланиши керак эди. Лекин мана ҳалигача ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Бунда бевосита 50-ЖЭК раҳбарлари айбдордирлар.

6-трестнинг 32-қурилиш бошқармаси раҳбарлари ваъда нима-ю, ижро нима эканлигини 1976 йилдан буён билолмай келадилар. Бундан тўрт йил муқаддам қуриб фойдаланишга топширилиши керак бўлган насослар ҳозиргача таг-туги билан йўқ. Қурувчиларнинг сўнгги ваъдаси бўйича шу йилнинг иккинчи кварталида насос қурилиб ишга туширилиши керак эди. Мана, 4-квартал ҳам тугай деяпти-ю ҳалигача иш бошланмади. Бу йил ҳам уларнинг айби билан «ТошДУ», «ТошПИ» ва «Олимпия» массивларининг аҳолиси совуқ хоналарда ўтиришадиганга ўхшайди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, массивдаги бир қанча уйларда эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли бажарилмаган ишлар сони ортиб бормоқда.

«Намунали массив» номини олиш жуда яхши. Лекин ана шу номни улуғлаб массивдаги аҳолига ҳамиша намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ундан ҳам яхши. Бу ҳақда район уй-жой бошқармаси, қолаверса шаҳар уй-жой бошқармаси раҳбарлари ўйлаб кўришлари ва массив аҳолиси учун барча қулайликларни яратишлари керак!

М. АБДУҚАҲҲОРОВ.

60 Асқад Мухтор

Асқад МУХТОР

ЕР

Ерга мен ўзимни жондош сезаман,
«Тупроқдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун ҳамма нарсадан
Инсонга марҳамат ҳисси — муқаддас.
Ернинг ташвишлари битмас ҳеч маҳал,
Ҳаловат истасак биз ундан топдик.
Бир кифтин силкиса—гул, мева, асал,
Бир кифтин силкиса — қор, бўрон, софлик.
Истардим, инсон ҳам Ерга фақат дон,
Мурувват, саховат уруғин экса.
Ҳеч ким ўксимаса, ҳаммага етса
Кўк гумбаз остида тўкин дастурхон,
Назаримда, мен ҳам ерни деҳқондай
Ҳайдаб, ҳар қадамда маъно изладим.
Эҳтимол мендан сўнг бир томчи қондай
Ёнар марзаларда қолган изларим.
Ерга мен ўзимни қондош сезаман;
«Тупроқдан бўлган»им туфайли эмас.
Шунчаки, мен учун ҳамма нарсадан
Инсонга марҳамат ҳисси — муқаддас.
Ҳатто, тўғри бўлар қалбдошман десам.
Тошни қайта отсанг ерга тушади.
Шунга ўхшаш, дўстим, кимга озор берсанг
Қалбим ачишади.

АЯЖОНИМИЗ

Титраб янграр эди уфқлар тонгда,—
Гўзал куйлар эди аяжонимиз.
Булутлар тўлғанар эди осмонда,
Жажжи юракларда — ҳаяжонимиз.
Куйни қари-қартанг мукка тинглаган,
Бунда ожиз эди ҳар қанақа сўз.
Уруш мўраларди қўлсиз енглардан,
Юпун хирмонлардан — бебарака куз.
Аям кўкка қушдай интилар эди,
Этагидан ушлаб дийдирардик биз.
Яшил кўсакларда мўлтиллар эди
Чала қолган куйдек болалигимиз.
Булутлар безовта эди осмонда,
Жажжи юракларда — ҳаяжонимиз.
Дадамизни эслаб шунда ҳар тонгда,
Мунгли куйлар эди аяжонимиз.
Куй бўлиб учмоқни қиларди орзу,
Дадамни бир кўриш қасдида.
Аммо қанотларин ёзолмасди у.
Чунки биз бор эдик қанот остида.

Адибнинг кўнгил дафтаридан

Адабиёт ҳавасга кириладиган шон-шуҳрат боқчаси, ёки шунчаки, кўп қатори бажариб юриладиган касб эмас. Адабиётга одам бир умр ёнгани киради. Ҳар бир асарда бир ловуллаб ёнмаса, ёзувчининг бўлмагани маъқул.

* * *

Айрим ёзувчилар йирик-йирик қўлёзмаларни ўқиш, муҳаррирлик адабий ижодга ҳалал беради, деб зорланадилар. Менимча бу фикр унчалик тўғри эмас. М. Горькийнинг кўпмиллатли адабиётимизнинг отаси даражасига кўтарган таянчлардан бири ёш ҳаваскорлардан тортиб то йирик ёзувчиларнинг қўлёзмаларигача қунт билан ўқиб, фикр-мулоҳаза, маслаҳатлар бериши, синчков редакторлиги бўлди. Қўлёзма автор адабий қиёфасининг ойнасидир. Бу ойнани қўлга олган киши баъзан ўз ижодидаги фазилат ва нуқсонларни ҳам пайқаб қолади. Авторга ўргатиш билан бирга ўзинг ҳам ўрганасан.

* * *

Роман — мамлакат, халқ ҳаётидаги маълум даврни ғоявий-бадиий жиҳатдан баҳолайди.

* * *

Ёзувчи ўз диққатини биринчи галда замондошлар ҳаётининг энг муҳим ва энг асосий масалаларига, халқ турмушининг бугунги ўйлари, умид ва интилишларининг асл моҳиятига қаратса, бадиий ижодиётнинг ижтимоий салмоғи ва тарбиявий таъсири яна ҳам ортади.

* * *

Замонавий мавзуни биринчи ўринга қўйиши совет адабиётининг энг яхши традицияларидан бири бўлибгина қолмай, бу унинг асл моҳияти ҳамдир, чунки ватанпарвар ёзувчи учун ўз халқи манфаатлари билан яшаш, шу манфаатлар йўлида ижод қилишдан ҳам кўра шарафлироқ вазифа йўқ.

* * *

Ёзувчининг актив позицияси — аввало юксак бадиий маҳорат деган сўз.

* * *

...Меҳнатни виждондан ёки муҳаббатни меҳнатдан айириб ташласангиз, ҳаётни бузасиз. Бу бирлик ва мураккаблик — шахсни етиштирадиган тўлақонли ҳаётнинг қонуниятидир.

* * *

Маънавият — одамдаги илоҳий оташ.

* * *

Давр инсон тақдирида акс этмаса, у давр эмас, шунчаки зое кетган вақтдир.

* * *

Агар адабиёт ҳаётнинг қуюлган, қуюқлашган бир они бўлса, агар образ умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлса, ҳаётда коммунист —халқ характерининг ифодасидир.

* * *

Коммунистлар... ҳаётда ёки ишлаб чиқаришдагина эмас, бизнинг ижодимизда ҳам, адабиёт яратишда ҳам фикрлаш тажаббускорлари, ҳис-туйғу уйғотувчи безовта одамлардир.

* * *

Шамол бўронни қўзғайди, сўз — тумонатни.

* * *

Ким гўзал, деса—мен: гўзалликни тушунадиган одам гўзал, деб жавоб берардим. Ҳассос одам ёвуз бўлмайди, ҳассос одам адолатсиз бўлмайди.

* * *

Инсоннинг гўзаллиги унинг курашчанлигидадир. Ҳаёт эса курашнинг кўп хил кўринишларидан иборат. Инсон — кураш —гўзаллик!

* * *

Адабиёт гўзаллик категорияси. У инсон қалби, руҳияти маънавияти, ҳиссиёти билан бирга аста-секин ўзгаради, тўғрироғи, юксала боради. У давр темпларига, техник процессларга мослаб ўзгартирила берадиган нарса эмас.

Асқад Мухтор устоз адиблар, қардош республикалар адабиётининг таниқли вакиллари билан тез-тез учрашиб туради, улар билан ижодий мулоқотда бўлади.

СУРАТДА: А. Мухтор, Пимен Панченко, Уйғун, Петрусь Бровка ва Ғафур Ғулом билан суҳбатлашаётган пайт акс этган.

С. Маҳкамов фотоси.

Ҳаёт ва умр фалсафаси

Асқад Мухтор Шарқ классикларидан Бедил, улкан совет шоирлари Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзода сингари файласуф шоир. Агар Ғафур Ғулом фалсафаси доимо совет гражданлилик ғурурининг ҳаётий асосларини, келажак романтикаси гўзалликларидаги фараҳбахшликни поэтик исбот этса, Мақсуд Шайхзода фалсафаси асосан, ватанпарварлик, олийжаноблик ва она юртга бўлган меҳру муҳаббат асосларини бадиий умумлашма хулосаларда намойиш этади. Асқад Мухтор шеъриятида бу ҳар иккала устоз анъаналари янги бир кўринишда— замонага муносиб яшаш зарурати нималардан иборат, деган саволга жавоб ахтариб, фалсафий муқоясалар топиш, поэтик далиллар яратиш иштиёқи билан изланишда давом этяпти.

А. Мухторнинг сермулоҳазакор шахсиятида ҳаётдаги барча нарсалар каттами-кичикми — барибир, инсоннинг замона талаб этаётган маънавий камолатга эришиши учун ибрат бўларли моҳият касб этади. Шоир ҳамма вақт улардан ана шу моҳиятни излайди, худди жамият олдидаги масъулиятни юксак даражада бажара олмаётгандек ўз-ўзидан қониқмаслик туйғуларига, мулоҳазаларига берилиб, мутафаккирона бадиий тадқиқот олиб боради. Айтиш мумкинки, А. Мухтор ижодида фалсафий, умумбашарий мавзулар етакчилик қилади. Бу нарса халқимизнинг тақдири, инсон умри ва инсон тақдири мавзуларининг турли йўналишларидаги бадиий талқинида кўриниш беради. Хусусан, шоирнинг сўнгги йиллар шеъриятида ва умуман буткул ижодида, ҳозирги совет кишиси, коммунистик идеал одами қандай хислатларга эга бўлиши керак, деган масала ётади; қаҳрамонлари табиатидаги бизга ибрат бўладиган томонларни кўтаринки пафос билан акс эттиради. Шоир совет кишиси учун зарурий бўлган асосий хислатларни излаб топиш ва уларни намойиш этиш йўлида муттасил изланади.

Мазкур тамойил Асқад Мухторнинг теран фалсафий мазмун билан тўйинган лирикасида, «Пўлат қуювчи», «Мангуликка дахлдор» каби поэмаларида, «Қорақалпоқ қиссаси», «Дарёлар туташган жойда», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Бухоронинг жин кўчалари» повестларида, «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланган «Чинор» сингари мукаммал полотноларида ўзининг кўркам ифодасини топган. Бу асарларнинг кўпчилиги рус тилига, қатор қардош ҳамда хорижий халқлар тилларига таржима қилинган. Дадил айтиш мумкинки, А. Мухторнинг мазкур асарлари нафақат ўзбек адабиётининг, шу билан баробар кўпмиллатли совет адабиётининг муҳим ва ажралмас таркибий бир қисмига айланди.

Ҳар бир миллий адабиётда бўлгани каби, ўзбек адабиётида ҳам шундай ижодкорлар борки, улар ижоди муайян даврдаги адабиётимиз тараққиётининг муайян бир даврини синтезлаштиради, халқ ҳаётининг, тақдирининг муайян босқичларини ўзида инкишоф этади. Ушбу санъаткорлар муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалаларни қаламга оларкан, аввало ўз халқининг, она ўлкасининг долзарб проблемалари билан уйғунликда акс эттиришга интиладилар; халқ ҳаёти ва тақдирининг мураккаб томонларини бадиият сеҳри билан ёритишга ўз истеъдодларида кучли мойиллик сезадилар; ўз халқи, шу билан баробар, бутун инсоният учун дахлдор бўлган ижтимоий-ахлоқий, маънавий-психологик масалаларга бадиий йўсинда жавоб топишга катта бир эҳтиёж, зарурат сезадилар.

Асқад Мухтор ана шундай ижодкорлардан. У шеърларидан бирида «Шеър — зарурат», дейиши ҳам шундан. Санъаткор ижодининг халқимиз ҳаёти, тақдири, қалби билан, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг теран маънавий-интеллектуал маданияти, бой анъаналари билан чамбарчас боғлиқлиги шундай дейишга тўла асос беради. Шунингдек, шоир шеъриятидаги Ватан, бахт, инсон, умр ҳақидаги, халқ қалби ва тақдири, келажак масъулияти ҳақидаги ўй-фикрлар, яъни юксак интеллектуал тафаккур маданияти А. Мухтор ижоди халқимизнинг маънавий бойликлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигидан далолатдир. Шоир шеъриятини ҳам, прозасини ҳам ўқир эканмиз, энг олдин она ўлкамизни, халқимизнинг қувончлари ва ташвишларини, дардлари ва ўкинчларини, ўйлари ва кечинмаларини тиниқ ҳис қиламиз: шеърий сатрлар ва насрий саҳифалар ортидан маънавий-интеллектуал баркамол, идеал инсон-замон кишисининг қиёфаси гавдаланади. Унинг сўнгги давр лирикаси, хусусан «Мангуликка дахлдор» поэмаси мана шундай ўзига хос изланишлар самарасидир.

Фақат эзгулик, муқаддаслик учун бағишланган умрларнинггина охири барҳаётдир, деган яхлит фикр поэманинг ўзак ғоясида ҳукмрондир. Асарда Рустам ва Рафиқ тақдирини ана шу бош ғоя нурлантириб туради. Улар халқ бахти, олий ҳақиқат, эзгу ҳаёт учун ҳалок бўлсалар-да, ўз келажакларини фидойи ҳаётлари билан таъминлайдилар.

Умуман, А. Мухтор шеъриятида бўлганидай, унинг поэмаларида ҳам инсон умрининг моҳиятида нималар ётишини мутафаккирона кашф этишга томон йўналтирилган жуда гўзал бир пафос ҳукмронлик қилади. Шу боисдан шоир лирикасининг асосий поэтик воситалари тирикликнинг мағзини чақиб намоён эта олувчи мўъжаз-мўъжаз картиналар ва сермазмун тимсоллар силсиласидан иборатдир. Унинг шоирлик тафаккурида «сўз образлар»га нисбатан манзара образлар муҳим ўринни эгаллаши сабаблари ҳам шубҳасиз мана шунда.

Шоир услубидаги ушбу белгилар, айниқса, сўнгги йилларда ёрқинлик касб этаётир. Унинг 50-йиллардаги шеъриятида («Бир туп ўрик»..., «Баҳодир», «Ниҳол», «Йулда», «Севаман», «Дарахтларни буркаб» каби) умр талқини ўзгачароқ оҳангга эга эди. Умрни беҳуда ўтказмаслик, қандайдир «иккинчи умрни қўмсаб» хаёл кучини зойи кетказмаслик, умр мағзини турмушга эртароқ ярашда, фидойиликда деб билиш каби фикрлар кичик ҳаётий деталлардан катта умумлашмалар чиқариш, ёхуд реалистик ҳаёт картиналарини чизатуриб, кутилмаган хулосалар ясаш орқали намойиш топарди.

Фарзандлик, гражданлик шонли бурчини
Адо этмоқ учун берилган фурсат
Кам деб нолимайман.
Умрим бўлар узун,
Бирор дақиқаси беҳуда кетмас.

Сўнгги йилларда А. Мухтор ўз ижодининг ушбу хусусиятини ҳар томонлама камолатга эриштира олди. Бугунги космос асри одамларининг ҳаёти, улар умрининг хосияти, дамларининг актив меҳнат ва курашлар самарасига қаратилган мазмуни («Тушларим, безовта тушларим», «Телба дарё экан умр дегани», «Тонг», «Терак», «Хотиралар», «Заррама-зарра» каби) шоирнинг ҳозирги кун шеъриятида халқ тақдири, ижтимоий воқелик билан диалектив боғлиқликда талқин этилади. Шоир шеърияти ҳозир ҳам «картина»ли. Фақат бугунги кунда 50-йиллардан фарқли ўлароқ, ана шу картиналилик ҳаддан ташқари объективизмдан қутилган. Эндиликда шоир картина яратиб, уни бутунлай ўқувчининг ўз ҳукмига ҳавола қилиб қўймайди, ёки фақат картина сўнггидагина «қиссадан ҳисса» чиқармайди балки кўпинча бу картинадаги муҳим моментларни файласуфона лирик умумлашмалар нури ила ёритиб ўтишга интилади.

Жимлик суронлардан кучлироқ янграр,
Ўқдан кучли янграйдиган бир сўзни изла.
Кўзлар ва асаблар, хаёллар, ранглар,
Юракларнинг ҳаяжонли жимлиги, сўзла,
Қийналма, яширма дардли қаърингда,
Гапир, бир зумдан сўнг чил-чил синасан.
Айтилмаган сўзинг билан бирга қабрингда,
Мангу тинасан...

Ҳаётни мазмунли ўтказиш кераклиги ҳақидаги фалсафа — бадиий образ лирик қаҳрамон қалб нидосида поэтик намойиш топаяпти. Агар жиддийроқ эътибор берсак, бу гап ҳам шоирнинг ўзига тайин этган умр йўли — изланишларининг мевасидир; услубини англатувчи бир деталдир, деган хулосага келишимиз аниқ.

Шоир яшашни, тирикликни, эзгуликни, инсон ҳаётининг бўлиқ мағзини вақт тарозусида тортади; пуч, бемақсад, бенаф кечган умрларни вақт ўқи билан шафқатсиз нишонга олади, тилка-пора қилади. Шу боисдан ҳам шоир поэтикасида вақт, замон ва давр образлари кўплаб учрайди. А. Мухтор фалсафаси — гуманистик характери, баъзан оғир, баъзан аламли, лекин бари бир уфқи ёрқин бўлган оптимистик руҳи билан кучли.

А. Мухтор лирикасида баландпарвоз, жимжимадор, ялтироқ сўзларни умуман учратмаймиз. Унинг поэтик нутқи учун ички динамика, кенг кўламлик, бир-биридан йироқ тушунчаларни мантиқан, шартли яқинлаштириш, айниқса характерли. Бу нарса шоир учун ҳозирги замондошларимиз образини акс эттирувчи лирик қаҳрамон табиатида мураккаб ҳислар, туйғулар, фикрлар қуюнини жамлаш, талқин этиш имконини беради.

А. Мухторнинг сўнгги йиллар шеъриятида чинакам гуманистик ва актив гражданлик фалсафасининг ўзига хос поэтик (яна такрор айтамиз, «яланғоч» эмас, балки чинакам оддий) дидактика тусидаги янгича ривожини кузата оламиз.

Мен дунёга келиб дунё орттирдим,
Ҳаммасини қолдириб кетарман.
Қалбни эса сўнгги ҳужайрасигача
Ловиллатиб ёндириб кетарман,

дейди шоир «Мен дунёга келиб дунё орттирдим» шеърида.

Дарҳақиқат, устоз санъаткор Асқад Мухтор 40 йиллик ижоди бадалида ҳавас қилгулик, салмоқли бадиий баркамол асарлар яратишга улгурди. Устознинг поэзияси, прозаси билан баробар бадиий таржимачиликдаги тажрибаси ҳам катта маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Софоклнинг «Шоҳ Эдип», В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин», Пушкиннинг «Мис чавандоз», Лермонтовнинг «Испанлар», А. Блокнинг «Ўн иккилар» сингари жаҳон адабиётининг нодир асарларини ўзбек тилида сўзлатди, улар халқимизнинг маънавий маданиятини бойитишга муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Асқад Мухторнинг адабиёт, санъат, бадиий ижод, талант, бадиий сўз санъати ҳақидаги қарашларини, умуман адабий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштирган «Ёш дўстларимга» асари аллақачондан бери ёш ижодкорларнинг етакчисига айланган. А. Мухторнинг болалар адабиётини бойитишдаги («Дунё болалари»), ўзбек публицистикасини (очерк ва мақолалари) ривожлантиришдаги хизматлари ҳам залварлидир.

«Уйларимда суратлантираман келгуси асрлар қиёфасини» дейди шоир бир шеърида. Бундан келгуси асрлар суйиб, ардоқлаб мутолаа қилувчи асарлар яратишда устоз санъаткорга мустаҳкам саломатлик, баркамол илҳом тилагимиз келади.

«ЧИНОР» ДАГИ БИР ҲИКОЯТ ҲАҚИДА

Асқад Мухторнинг «Чинор» романи ҳақли равишда совет китобхонларининг эътиборини қозонди. Мен ана шу асардаги бир ҳикоят илдизлари ҳақидаги мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Шарқ адабий анъаналари шаклида, замонавий услубда ёзилган бу роман — сюжет ва композиция қурилиши жиҳатидан ўта шартли. Унда адиб хаёлларининг қамрови беҳудуд, тарҳи бузилмаган, ёрқин саҳифалар мавжуд.

Тарихий ҳужжат асосида яратилган Лев Толстой билан Абдулаҳад қори ҳикояти озодлик учун башарият кураши йўлидаги Шарқ ва Ғарбнинг қуйилиш нуқталаридан бирини ифодалайди. Туркистондаги рус революционерлари таъсирида инқилоб курашига бош қўшган мулла Абдулаҳад бу масалада кўпроқ шарқча йўл тутган Лев Толстой билан унинг ватани — Ясная Полянада тўқнаш келади.

Абдулаҳад қорининг прототипи — шоир Босит Қориев (Олтой)нинг отаси Абдулвоҳид Абдурауфовдирким, В. Булгаковнинг «Л. Н. Толстой ҳаётининг сўнгги йили» китобида унинг номи «мулла Абдул-Лахим» деб берилган («1910 йил 24 сентябрь ёзуви»). Шунингдек, Л. Толстойнинг 1909 йил 5 июнда «Садои Туркистон» газетасининг ташкилотчиси, майда буржуа мафкурасига оғиб кетгунига қадар, илғор инқилобий фикрда бўлган ватандошимиз Убайдулла Хўжаевга ёзган мунозара хати (У Л. Толстой асарлари 90 жилдлик мажмуасининг 79-жилдида ва «Гулистон» журнали 1971 йил 11-сонида чоп этилган) романдаги бу ҳикоят ҳаётийлигидан далолатдир. Романда келтирилганидек, улуғ Толстой Конфуций ва Будда, Кришна ва Ганди (Лев Толстой Маҳатма Ганди билан ёзишмалар олиб борган ва ҳатто унинг таълимотига кучли таъсир ҳам кўрсатган) каби Шарқ мутафаккир донишмандлари қатори, Баҳовуддин Нақшбандий таълимоти билан ҳам яхши таниш эди. Бу ҳақда филология фанлари доктори Эргаш Рустамов «Шарқ юлдузи» журналининг 1970 йил, 8-сонида босилган «Лев Толстой. Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий» мақоласида батафсил маълумот беради. Муҳаббат ва меҳнатни тарғиб қилиб («Дил ба ёру даст ба кор» — «Кўнглингиз ёр (худо)да, қўлингиз меҳнатда бўлсин»!), «қишлоғида бир бўлак ерга буғдой, мош экиб шундан чиққан даромад эвазига кун кечирган» (ЎзСЭ 2-жилд) Баҳовуддин каби, ўз Ясная Полянасида деҳқончилик билан шуғулланган Лев Толстой энди фуқаро дилини худо тимсолида бирлаштириш эмас, балки Баҳовуддин Нақшбандий таълимотини ривожлантириб, инсонлараро меҳру муҳаббат — «хилват анжумандадир» ғоясини илгари суради. Дарҳақиқат, бунинг дилимизга энг яқин тарихий далили шуки, улуғ адиб Убайдулла Хўжаевға йўллаган хатида ҳам, жамиятнинг етук камоли меҳру муҳаббат идеалига интилишда, деб ёзади. Лев Толстой тугалланмаган «Эсдаликлар» асарида хотирлашича, ўзи ҳали беш-олти ёшда экан, бир куни акаси Николенька одамзодни бахтсизликдан қутқариш, қандай қилса ҳамма бир одам, яъни чумолилардек биродар бўлиб яшаши ҳақидаги сир ёзилган яшил таёқчани шу яқиндаги Старий заказ деган жойга кўмиб қўйганлигини айтиб беради. Шу-шу яшил таёқча унинг хаёлидан кетмайди. Улғайиб, маънавий балоғатга етганида, «толстойчилик» таълимоти асосини ташкил этган бу ғоя унинг идеалига айланади. Талабалик йилларида ўрганган Баҳовуддин таълимоти эса ёш Толстой қарашларига асосли замин яратган бўлиши керак. Аммо Асқад Мухтор романда Толстой таълимотининг тарихан яна ҳам теранроқ томирларини қидиради. Ҳикоятда мулла Абдулаҳад буюк мутафаккирга Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»идан ўқиб беради (зеро, В. Булгаков юқорида тилга олинган китобида мулла Абдул-Лахимни «араб ва форс тилларини, Қуръонни ёд билар экан», деб таърифлайди):

Қулни кўрсам қули бўлиб хизмат қилсам,
Тупроқсифат йўл устида йўли бўлсам...—

мазкур фидойилик Лев Толстой инсонпарварлик фаолиятининг айни моҳияти эмасми?!

Золимларни шиква қилма золим ўзинг.
Ул юзингга агар урса, тут бу юзинг.—

Бу энди (айниқса, иккинчи сатр), унинг ўз таълимотини ифодалаб ёзган «Илоҳий ҳукмронлик ботинингиздадир» асарида инжилдан келтирилган ўзак ғоя билан тўла ҳамоҳангдир.

В. Булгаков китобидаги 1910 йил, 24 сентябрь ёзувидан яна ўқиймиз: «Кечқурун Лев Николаевич, мулла (Абдул-Лахим — С. А.) билан хусусий мулк масаласида баҳслашганлигини айтди. Абдул-Лахим маълум миқдордаги хусусий мулккагина йўл қўйиш мумкинлигини исботлабди. Унингча, инсоннинг меҳнат маҳсули муқаддас ва унга тегиб бўлмас эмиш. Бундай нуқтаи назар Лев Николаевичга яқиндек туюлди». Ниҳоят, бу нуқтаи назар ҳам Шарқда XIV асрдаёқ Баҳовуддин Нақшбандий томонидан ишланган эдики, академик Воҳид Зоҳидов «Навоий ва Нақшбанд» мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Нақшбанд айтган эдики, инсон нафсини, ортиқча ҳирсларини тийиш, керагидан ортиқ нарса, маблағ тўплаш, унга муҳаббат қўйиш ҳиссидан узоқ бўлиши лозим». Ёзувчи ҳикоятда Толстой таълимотини оғишмай бадиий тавсифлаш билан, аллақачон унинг дунёқараши дарз кетганлигини ҳам таъкидлайди. «Инсон давлат қонунлари билан эмас, муҳаббат қонунлари билан яшаб, ўз ахлоқий камолотини тинмай ўйлаши керак. Подшоҳ ҳокимияти бузуқ, ярамас ҳокимият. У халқни инқилоб жарига итармоқда. Даҳшатли, қонли инқилоб бўлади. Бу жуда катта жиноят, мулла». Г. Плеханов «Карл Маркс ва Лев Толстой» мақоласида Россияда Столипин реакцияси авжи ружу қилган бир даврда Л. Толстойнинг «Жим туролмайман» каби оташин публицистик чиқишларини назарда тутиб, у зулмга зўравонлик билан қаршилик кўрсатмасликни тарғиб этади-ю, аммо бу сатрлари амалда қўлга қурол олишни талаб қилади, деб ёзади. Ҳикоятда ҳам, мулла кутилмаганда, Толстойнинг юқоридаги сўзларидан унинг ичида жуда катта бўронлар қамалиб ётганлигини («У халқни инқилоб жарига итармоқда». — Демак инқилоб ҳаётий заруратдир. Ленин шунинг учун ҳам: «Лев Толстой — рус революциясининг ойнаси» деган-да!), маълум рус халқи пайғамбар деб сиғинган улуғ адиб ўз билгиси ва ҳиссиёти устидан зўравонлик ҳукмини юргизмоқчи бўлаётганлигини пайқаб қолади. Аммо у қалбида яширинган бўронлар қонқасига — кейинги йилларда ақлини тентиратиб қўйган бу ёввойи кучга бировни яқин йўлатишдан чўчийди.

Ҳикоятда Лев Толстой асарлари билан обдон танишган мулла Абдулаҳад: «Ҳа, айёр, муғамбир чол... итоаткорлик, меҳр-муҳаббатдан гапирасизу ўзингиз бир умр исён кўтарасиз, қаҳр-ғазаб сочасиз! Нехлюдов инқилобчиларга ихлос қўяди. Симонсон бўлса — нур, ёруғлик, куч! Йўқ, Лев Николаевич, нима қиласиз дилингиздаги қуёшни мендан яшириб!», дейди хаёлида. Лев Толстой ўз таълимоти ва унинг бир умрлик тарғиботи билан бутун рус халқи дилини черковдан юлиб олди... Аммо бу таълимотни инқилоб аллақачон домига тортган, қоронғи ўрмонда саргардон халқни Данкодек ўз измига солгувчи янги таълимот эса ленинизм деб аталар эди.

Бу ҳикоят — Лев Толстой ички дунёсини ёритиш воситасида башариятнинг озодлик йўлидаги курашларини ифодаловчи сабоқ дарсидир. Лев Толстой билан қори Абдулаҳад ўртасида кечган ана шу оламшумул, оғир маънавий баҳснинг остки оқимидан мутафаккир санъаткор — Асқад Мухтор образи қалқиб чиқади...

Саъдулла АҲМАД.

Сидқидилдан айтилган сўзлар

«Опа-сингиллар» ажойиб, нодир асардир.

Мухтор АВЕЗОВ.

* * *

...«Қорақалпоқ қиссаси» А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести каби адабиётимизнинг принципиал ютуғидир. Бу повесть А. Мухторнинг бадиий маҳоратида катта кўтарилиш аломати.

Иззат СУЛТОН.

* * *

Асқад шеърлари тинч ва лиммо-лим, лекин тағи туғёнлик кўклам сойларидек табиий, пурҳикмат, кучли ва жозибали... Асқад тили чинакам поэзия тили, кўклам чечакларидек юз ранг, хушбўй, сутдай тоза халқ тили. Асқад Мухтор сўз хазинасига эга қаламкашлардан.

* * *

Асқад шеърларидаги етуклик ва юксак дидга чинакам ҳавас қиламан.

МИРТЕМИР.

* * *

Агар Ўзбекистон поэзиясининг ҳозирги замон қаҳрамони тўғрисида гапиргудек бўлсак, у ҳолда биз кўп вақт бундай қаҳрамон ўрнига ё шоирнинг ўзини (агар у лирик бўлса) ёки ана шу лирик шоирнинг қалбини ифодалайдиган қаҳрамонни кўрамиз. Шу маънода мен, айниқса, Асқад Мухторнинг «Қуёш парчаси» деб жуда яхши шоирона ном билан аталган шеърлари тўплами ҳақида гапирмоқчиман. Бу тўпламнинг ўзи шу туришида Ўзбекистон қуёшининг бир парчасидир.

Сергей СМИРНОВ.

* * *

Асқад Мухтор сиймосида Совет Иттифоқининг талантли, истиқболи порлоқ яна бир ўзбек ёзувчисини кўраман.

Иван ЛЕ.

* * *

Сидқидилдан айтиш мумкинки, «Опа-сингиллар» ғоят яхши китоб, мен уни зўр қониқиш билан ўқиб чиқдим.

В. А. ТЕВЕКЕЛЯН.



Асқад Мухтор қаламкаш дўстлари даврасида.

ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати Асқад Мухтор билан учрашув бўлиб ўтди. Адиб ва шоирнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган бу учрашувни Ёзувчилар союзининг ёш ижодкорлар билан ишлаш совети уюштирди.

Асқад Мухтор ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти давомида ўзининг қиссалари, романлари ҳамда шеърий тўпламлари билан адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Ана шу ҳақда, адибнинг ижод йўли тўғрисида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Эркин Воҳидов, «Шарқ юлдузи» журналининг муҳаррири Мирмуҳсин, ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳамда шоир Машраб Бобоевлар гапирдилар.

Учрашув сўнггида Асқад Мухтор бу ерда йиғилганларга адабиётдаги ўз тажрибаларидан сўзлаб берди, янги шеърларидан намуналар ўқиди.

Саҳифа материалларини филология фанлари кандидати Нуъмон РАХИМЖОНОВ уюштирган.

✦ БАСКЕТБОЛ

БУ САФАР ҲАМ МАҒЛУБИЯТ



Баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Университет» командаси навбатдаги учрашувни Ленинград шаҳрида маҳаллий «Спартак» командаси билан ўтказди. Ленинградлик спортчилар олий лиганинг энг кекса вакилларидан ҳисобланишади. «Университет» эса бу йил илк марта кучли коллективлар билан баҳс юритмоқда. Шунга қарамасдан ҳамшаҳарларимиз учрашувни уюшқоқлик билан ва ҳужумкор руҳда ўтказишди. Бироқ, ҳал қилувчи дақиқаларда турнир тажрибаси кам эканлиги кўзга ташланди. Натижада майдон эгалари 74:65 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Ҳозир «Университет»нинг активида 21 очко бор.. У турнир жадвалининг ўн биринчи поғонасидан жой олиб турибди.

СУРАТЛАРДА: «Университет» ўтказган учрашувдан лавҳалар.

Р. Загратдинов
фотоси.

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Шайбали хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар биринчи давра ўйинларини ниҳоясига етказишди.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ижевскнинг «Иж-сталь», Саратовнинг «Кристал» ва Свердловскнинг «Автомобилист» командалари пешқадамлик қилишмоқда. Бу командалар учрашувларни ҳужумкор руҳда ўтказиб, бошқа коллективлардан анча олдинга ўтиб кетишди.

Тошкентнинг «Бинокор» командаси ҳам бу йилги мавсумни анча яхши ўтказмоқда. Жумладан, Свердловск шаҳрида пешқадам коллективлардан бири — «Автомобилист» билан бўлган учрашувда бу нарса яна бир марта кўзга ташланди. Дастлабки куни ҳамшаҳарларимиз ғалабага эришдилар. Такрорий учрашувда эса майдон эгалари ғолиб чиқишди. Шундай қилиб, «Бинокор» бу сафар ҳам ўз активига иккита очко ёзишга муваффақ бўлди. Тошкентлик хоккейчилар ҳозир 35 очко билан кучли олтиликдан жой олиб туришибди.

•*Билиб қўйган яхши*

Дори қачон ичилади?

Қайси дорилар овқатланишдан олдин ва қайсилари овқатланишдан кейин ичилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д. ШОДИЕВА,
ўқитувчи.

Врач бирор дорини овқатланишдан олдин ёки кейин ичишни тавсия қилар экан, у препаратнинг яхши сингишини ва шифобахш таъсирини таъминлашга ҳаракат қилади.

Маълумки, меъдавчак йўлида овқат бўлганда пенициллин, сульфаниламид препаратларнинг сўрилиши секинлашади. Кальцийга бой бўлган сут маҳсулотлари тетрациклинли антибиотик билан аралашганда яхши эримайди ва қийинчилик билан сўриладиган бирикма ҳосил қилади, бу шубҳасиз унинг шифобахш хусусиятини пасайтиради. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган дориларни врачлар овқатдан олдин ичишни тавсия қиладилар.

Баъзи ота-оналар болага дорини ҳўл мева суви, сабзавот шарбатларига қўшиб, ширин қилиб берадилар. Бундай қилганда кальций хлор, амидопирин, тетрациклин каби дориларнинг шифобахш таъсири камаяди. Шунинг учун бу дориларни ҳам овқатланишдан олдин қайнатилган илиқ сув билан ичиш керак.

Баъзи дорилар (ацетисалицилат кислота, бруфен, резерпин, преднизолон, дифенин) меъда ва ичак шиллиқ қаватини таъсирлайди. Бу дориларни ичганда жигилдон қайнаши, одам кекириши, кўнгли айнаши, меъда соҳаси оғриши мумкин. Бундай дориларни врачлар одатда овқатлангандан кейин ичишни тавсия қиладилар.

Бирор дорини ичишда эътиборга олинадиган бошқа фикрлар ҳам бўлади. Шунга кўра, сиз учун янги бўлган дорига рецепт олаётганингизда уни қачон ва қандай ичиш зарурлигини врачдан сўраб, билиб ичинг.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

ҲАР ТЎҒРИДА

Энг баланд бўйли қиз

Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, дунёда энг баланд бўйли қиз — бу хитойлик Чэн Цзинлянь экан. Бу 16 ёшли қизнинг бўйи 240 сантиметр бўлиб, оғирлиги 147 килограмни ташкил этади. Юньнань вилоятидан бўлган бу «ғаройиб» одамни томоша қилиш учун ҳар куни бу ерга ўнлаб одамлар келишади.

Чэн Цзинляннинг журналистларга айтишига қараганда, уни кийим-кечак билан таъминлаш овқатланиш масаласига нисбатан анча енгил экан. У киядиган кўйлак махсус тикилиб, оёқ кийим эса Юньнань пойафзал фабрикасида махсус ўлчов асосида тайёрланар экан.

«Мен ҳамиша тўйиб таом ейишни орзу қиламан»,— дейди қиз. Унинг нонуштаси йигирмата олма, тушки ва кечки овқати эса олти товоқ гуручдан иборат.

Гибралтар кўприги

Яқинда порт шаҳри Танжерда 500 га яқин мутахассис тўпланди. Улар бу ерда Гибралтар бўғози орқали ўтадиган кўприкни бунёд этиш масаласини муҳокама қилдилар. Гибралтар бўғозининг энг тор ери 15 километрдан иборат бўлиб, у Европани Африкадан ажратиб туради. Бироқ бу ернинг чуқурлиги 900 метрни ташкил этади. Шунинг учун кўпчилик кўприкни Танжер яқинидаги бошқа жойда бунёд этиш лозимлигини айтди. Белгиланган жойнинг қирғоқлараро узунлиги 28 километр бўлиб, денгиз чуқурлиги 400 метрдан иборат бўлишига қарамай ҳамма шу фикрга қўшилган.

Бундай лойиҳани амалга ошириш учун аввало кўплаб техник муаммоларни ҳал этиш керак. Масалан қурувчилар ҳозирча 350 метрдан ортиқ чуқурликда кўприк устунларини ўрнатиш тажрибасига эга эмаслар. Агар текширув ишлари 1985 йилда бошланса бу катта қурилиш 2025— 2050-йиллар давомида олиб борилади.

БИЛДИРИШ

24 ва 25 декабрь кунлари идеология ходимлари университетида навбатдаги машғулотлар бўлади.

24 декабрь куни соат 17 да ўзбек тилида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультетида тарих фанлари кандидати Ғ. Аҳмаджонов «Ҳозирги халқаро аҳволнинг айрим проблемалари тўғрисида», тарих фанлари кандидати А. Ҳўжаев «Хитойдаги аҳвол» мавзуида лекция ўқийдилар.

25 декабрь куни соат 16 да лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида фалсафа фанлари кандидати, доцент И. Пономарева «Лектор ва аудитория» мавзуида, тарих фанлари кандидати В. Разина «Тил ва лекция услуби» мавзуида лекция ўқийдилар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Келинлар қўзголони**, 25/XII да **Абу Али ибн Сино.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/XII да **НАТАЛЬЯ РУБАНОВА** раҳбарлигидаги **«ИЛЛЮЗИОН КОЛЕЙДОСКОП» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

КИНО

23 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» (19.00) «ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» (кичик зал, 18.00); —**Санъат саройи** телефон 44-39-51).

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«БУЗИЛГАН СОКИНЛИК» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ИТ ЕТАКЛАГАН ХОНИМ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«СЎНГГИ ОВ»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ПЯТНИЦКИЙ КЎЧАСИДАГИ ҚОВОҚХОНА»— **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

24 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ЕР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«О, СПОРТ, СЕН —ҚУВОНЧИМСАН»— **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» (11, 13.30, 16.10, 19.00), «ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» (кичик зал, 12, 15, 18.00); — **Санъат саройи.**

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«БУЗИЛГАН СОКИНЛИК» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ИТ ЕТАКЛАГАН ХОНИМ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«СЎНГГИ ОВ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ЎЛИМ» СЎЗИНИ УНУТИНГ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва санаб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фарроплар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар, электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрлар, санитарка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун

23 —24 декабрь соат 19.00 да

«ДИЗЕЛИСТ» (Пенза) — «БИНОКОР» (Тошкент)

27— 28 декабрь соат 17.00 да

УРИЦКИЙ НОМЛИ СПОРТ КЛУБИ (Қозон) — «БИНОКОР» (Тошкент)

ХОККЕЙ

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980-81 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бўёқчи (қурувчи), **тўқимачилик ускуналари ремонти бўйича слесарь, дурадгор** (қурувчи) **паркетчи, слесарь-сантехник, саноат ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр, контроль-ўлчов асбоблари слесари, токарь, мастер ёрдамчиси.**

Ўқиш муддати—бир йил.

8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15—17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Қабул қилинганлар кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини ва 70 сўм стипендия оладилар.

Ўқишни тамомлаганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, турар жойидан, медицина, ота-онасининг иш жойидан справкалар; ариза, автобиография, тўртта фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар—группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри-19, Собир Раҳимов райони, С. Раҳимов кўчаси, 313-уй (2, 7-троллейбусларнинг «Красноармейская кўчаси» бекати).

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Уй бекаси байрам дастурхонини безатиш тараддудида қанчадан-қанча нарсаларни ўйлаб топади. У шунинг учун ҳам байрам дастурхоники, турли хил ва мазали таомлар, бутерброд, шакароб, қиймадан тайёрланган, тузланган емаклар мўл бўлади.

Иваси ва сардинка сельдларидан чиройли, иштаҳа билан ейиладиган, ўткир закускалар тайёрлаш мумкин.

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

Сизларга янги йил дастурхонига тайёрланадиган закускаларнинг бир неча рецептларини ва маслаҳатлар берамиз.

ҲОЗИР ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН ЗАКУСКА —БУТЕРБРОДДИР.

Бутерброд тайёрлаш учун маҳсулотлар мазаси ва рангига мос қилиб танланади. Бутербродни тайёрлаш жуда осон. Қип-қизил пишган помидор, редиска ҳалқасимон кесилади, ошкўкдан бир чимдим, сувда пиширилган тухум, тузланган балиқ билан мос келади. Бутерброд байрам дастурхонида иштаҳани қитиқлаши учун уни безаш ҳам керак. Бунинг учун бутерброд устига оз-оз чиройли кесилган сарёғ қўйиш керак.

Жавдар унидан пиширилган нонни юпқа бурда шаклида кесиб, уни мойга ботирилади, териси ва қилтаноғи тозаланган иваси сельдидан бир бўлак қўйиб, унинг устига бир тўғрам помидор бўлаги қўйилади.

Тузланган балиқ мойи билан тайёрланган бутерброд мазали бўлади. Оқ нондан бир бурдасини тузланган балиқ ёғига буланади (200 грамм сарёғ, 100 грамм иваси сельди билан қориштирилади, сельд гўшт қиймалагичдан ўтказилиши керак). Шундай тайёрланган бутербродга сувда пиширилган тухум ва майда тўғралган кўк пиёз ҳам қўшилади.

Тузланган балиқдан тайёрланган салат ва винегред жуда мазали бўлади.

350 грамм иваси ёки сардина сельдига 300 грамм кўк пиёз, 3 та бодринг, бир стакан сметана, горчица етарли. Балиқ, кўк пиёз ва бодринг майда тўғралиб, аралаштирилади, салатга сметан, горчица ёки майонез қўшилади. Салатни петрушка, сельдер, укроп япроқлари, тухум, помидор, мурч, қайнатилган сабзи, редиска, цитрус ўсимликлар мевалари билан безашни унутманг.

«Океан» пастасидан хилма-хил ва мазали таомлар тайёрлаш мумкин. Ҳурматли уй бекалари, агар Сиз «Океан» пастасини сотиб олмаган бўлсангиз, албатта, уни сотиб олинг ва «оливье» ёки «креветочное масло» салатларини тайёрлаб қўйинг. «Океан» пастасидан тухум дўлма ҳам тайёрлаш мумкин.

Креветочное масло салатини тайёрлаш осон. Бунинг учун «Океан» пастасидан 40 грамм ва 60 грамм сарёғ олинади. Уларни яхшилаб аралаштириб, таъбга қараб тузланади, кейин бутерброд тайёрланади.

Тухум дўлма— жуда тез тарқалган ва тез тайёрланадиган закуска ҳисобланади. Тухумни сувга қайнатиб ўртасидан бўлинади, тухум сариғи паста билан аралаштирилиб, пиёздор қўшилади. Шу тахлитда пиширилган тухум дўлма устидан майонез қуйилади ва ошқўк сепилади.

Дастурхон безаш учун вақтингизни аяманг. Яхши тайёрланган хўшхўр закускалар дастурхонни безабгина қолмай, яхши иштаҳа очишнинг гарови ҳамдир.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ҚУЙИБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДА ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН: зираланган сардина, банкага жойланган иваси сельди, «Океан» пастаси, ўз ёғига пиширилган «Ставрида», «Скумбрия», томатда пиширилган килька, қиймаланган минтай балиқлари, шунингдек турли хил щарбатлар, қиёмлар, сиркаланган бодринг ва помидорлар, янги узилган бодринглар.

Қандолатчилик бўлимида — «ДИЛОРОМ», «АБРИКОСОВИЙ», «СКАЗКА», «БОЙЧЕЧАК» тортлари.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — Новомосковский кўчаси, 26-уй.

8 — «Светлана» — М. Горький майдони.

12— Бабушкин кўчаси, 40-уй.

14-«Белорусь» — Луначарское шоссеси, 50-уй.

18 — Шимоли-Шарқ—2. Савдо маркази.

21— Тракторсозлик заводи турар жой массиви.

26— Икромов кўчаси, 3-уй.

27— Қорасув— 2 турар жой массиви,

37— Луначарское шоссеси, 131-уй.

66-«Дархон» — Пушкин кўчаси, 86-уй.

70— М. Горький проспекти, 111-уй.

ҚУЙИБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.



39-КОМИССИОН ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНИ

СИЗДАН КЕРАК БЎЛМАГАН БУЮМЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ ВА СИЗГА КЕРАК БЎЛГАН БУЮМЛАРНИ СОТАДИ

ОШХОНА НАБОРЛАРИ: кумуш вилкалар, қошиқлар, пичоқлар, подстаканниклар, рюмкалар;

ТИЛЛА БУЮМЛАР: узук, зирак, тўғноғич, билакузук (бриллиант ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган);

революцнятача рус ва чет эл рассомлари томонидан чизилган суратлар;

ёғочдан ва бронзадан ишланган амалий санъат буюмлари;

металлдан ишланган ҳайкаллар, ёдгорликлар;

хрусталь, мнсгарлик буюмлари, тақинчоқлар.

Буюмларни қабул қилиш ва баҳолаш махсус комиссия томонидан ҳафтада бир марта чоршанба куни соат 11.00 дан 17.00 гача ўтказилади.

39-комиссион магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди (Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача). **Дам олиш куни душанба.**

МАГАЗИН АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Г—9«а» квартали, 20-уй (4, 9, 19-трамвайлар, 2, 13, 29, 70-автобусларнинг «Чопон ота» бекати).

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

23 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Аданжно». Фильм-концерт. 19.35 «Фан оламида». Украина ССР Фанлар академияси. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти Б. Е. Патон иштирок этади. 20.20 «Иркутск воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Мусиқали киоск». 22.30 «Алькоголизм. Врач суҳбатлари». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. МАСК — «Динамо» (М). Свердловскдан олиб кўрсатилади. 23.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тенгдошларинг ижоди». 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «Коммунистик онгни шакллантириш— партиянинг программ вазифаси». 19.05 «Ассалом, волейбол». Олий лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионатининг очилишига. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Инсон саҳифалари». Асқад Мухтор. Ёзувчи туғилган кунининг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла, Ўзбекистон ёшлари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Паррандачилик — саноат негизида». 22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Тасвирий санъат». 21.00 «Ўқитувчи экрани». «Чет тили дарсларида текстни ўқишга ўргатиш (рус.). 21.30 «Генерал Собир Раҳимов». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.45 «Илғорлар намунаси чорлайди» (рус.). 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент)—«Дизелист» (Пенза). 3-давр. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган).

24 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ўч банан». Мультфильм. 10.20 «Иркутск воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.30 СССР халқ артисти Б. Штоколов ва В. Андреев номидаги Рус халқ оркестрининг концерти. 12.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.15 «Ердаги инсон». Кинопрограмма. 15.45 Ростов область бадиий коллективларининг концерти. Ростов-Дондан олиб кўрсатилади. 16.00 «Рус тили». 16.30 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Кўрсатувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор В. П. Сериков иштирок этади. 17.00 «Ленинча ГОЭРЛО плани». 17.30 «Горичилар, қаердасиз!». 18.00 Г. Верёвка номидаги Украина Давлат хизмат кўрсатган академик халқ хорининг концерти. 18.45 «Время» программаси почтаси. «СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР халқ артисти Ю. Гуляев куйлайди. 19.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. Латвия ССР телевидениесининг программаси. Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э Восс сўзи. «Баландлик ортидан баландлик». Ҳужжатли фильм. Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время», 22.05 «Катталар учун контроль иш». 2-туркум. 7-кўрсатув. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Музикали ҳаёт». Тележурнал.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Спартак» (Москва области) «Уралмаш» (Свердловск). Свердловскдан олиб кўрсатилади. 22.40 «Гитарачи А. Фраучи чалади». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 18.45 «Биринчи умумрус «Искра» газетаси». Биринчи сони чиққанлигининг 80 йиллигига. 19.00 «Реконструкция тез суръатлар билан бормоқда». Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати. «Правда Востока» газетаси редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргалигидаги кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 А. Толмасов ижросида классик қўшиқлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 23.15 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.30 Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. Олий лига. «Динамо» (Тошкент)—«Уралэнергомаш» (Свердловск). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 ДЕКАБРЬ, 1980 й. Р—02453. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Б—2305. 9